

Рост, мен жахлдор одамман. Ўлгудек асабим чаток. Аввалдан шунака эдим. Тарки одат — амри маҳол. Лекин сиз мени аклдан озганга чикараётганингиз инсоффдан эмас. Бу касаллик менинг зехнимни ўтмаслаштиргани йўқ, аксинча, уни янайм чархлади. Хусусан, эшитиш кобилиятивни янайм оширди. Эх-хе, ер тагидан осмон токигача хар кандай товушни илгай оламан. Хатто дўзахдаги фарёдларни хам эшитганман. Канакасига мен жинни бўлай? Яхиси, хаммасини бир бошдан айтиб берай. Сиз диккат билан эшитинг, ўзимни кандай тутишимга, нуткимга хам эътибор килиб туринг-да.

Бу гап калламга кайси гўрдан келди — билмайман. Лекин шу нарса хаёлимни олдию, кечаю кундуз оромим йўколди. Очиги, бу ишга чолнинг дахли йўқ эди. Унга нисбатан адоватим хам бўлмаган. Яхши кўрардим уни. Уям бирон марта мени оғринтиргмаган. Унинг пулига кўз олайтирган эмасман. Менимча, гап унинг кўз корачикларида эди... Ха, шунака. Унинг бир кўзи иккинчисидан ажралиб турарди. Худди сувдек тиник ва кўкимтири, худди окиш ва шаффоф парда билан коплангандек эди. Ана шу кўзларни жуда ёмон кўрардим. У менга караган пайтида коним гупуриб кетарди-ей. Хуллас, чолнинг бу совук кўзларини умуман кўрмаслик учун уни тинчтиш фикри менда качон пайдо бўлгани ёдимда йўқ.

Сиз эса, мени кип-кизил жиннига чикариб ўтирибсиз. Телбалар фикрлай олмайдилар-ку! Сиз менга синчиклаб каранг-чи. Каранг, мен бу ишни килишдан аввал хаммасини пухта ўйлаб, режалаштириб, паст-баландини хам хисобга олиб чикканман. Котилликдан бир хафта олдин мен чолга нисбатан шунака меҳрибон бўлиб колган эдимки, шу пайтга кадар унга бунака яхши муомала килмаганман. Кечалари, ярим тунда унинг эшигини кия очиб ичкарига мўралардим. У эса, хеч балони сезмасди. Эшикни каллам сигадиган даражада очардим-да, ичкарига хар томони бекитилган сирли фонар нурини бир чизикда йўналтирадим, кейин эса, калламни сукиб каардим. Ўша холатни сиз хам кўрганингизда ўзингизни тутолмай кулворардингиз.

Мен чолни уйготмасликка харакат килардим. Бошимни тўшакдаги чолни кўра оладиган даражада ичкарига сукиш учун ярим соатча вакт кетарди. Хех, бунака шумликлар жинни одамнинг етти ухлаб тушига кирмайди, мен сизга айтсан. Калламни ичкарига олганимдан кейин секин-аста фонар нурини оча бошлардим. Ўругликни унинг чакир кўзларига тоят усталик билан тўгрилардим. Мен бу антика машкларни роппа-роса етта кун давомида, яна денг, кок ярим тунда олиб бордим. Бирок унинг кўзлари хар гал юмук бўларди, мен эса, чолни эмас, унинг ана шу сабил колгур кўзларини ўлгудек ёмон кўрардим. Тонг отиши билан хеч нима бўлмагандай чолнинг ёнига кириб, у билан апок-чапок сўрашардим, унинг соглиги, кайфияти билан кизикардим. Кўриб турибсизки, чол ярим окшомда киладиган галати ишларим хакида ўйлаб хам кўрмаган.

Саккизинчи окшом мен унинг эшигини хар кунгидан каттарок очдим. Шу пайтга кадар бунчалик туйгун бўлмагандим. Хатто, юрагим хам ўзини сездириб кўймаслик учун секин тепаётгандай эди. Ўйлашимча, у менинг хуфия рафторим хакида на ўнгига, на тушида билолмасди. Шу фикр хаёлимга келиши билан беихтиёр хиринглаб юборсам бўладими? Чол овозимдан уйгониб кетди чамамда, каравотидан сапчиб турди-да, кўркканидан аланглай бошлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бунака пайтда нима килиш керак? Тўгри, менам шартта ўзимни оркага олдим. Ўзимни кўрсатмасликка тиришиб секин-аста эшикни ўзимга торта бошладим.

Бармокларим парда туткичидан сиргалиб, каттик овоз чикарди. Чол бакириб юборди:

«Ким бу?» Жойимда котиб колдим, дамим ичимга тушиб кетди. Чол яна ўрнига ётиши учун бир соатлар чамаси кимиrlамасдан, жим турдим. Чол худди мен хар окшом деворга кулок тутиб чирилдок кўнгизнинг овозини эшитганимдек, каравотида жим ўтириб кулок сола бошлади.

Шу чок унинг каттик ух тортганини эшитдим ва бу ўлим олди хўрсиниги эканини пайкадим. Чунки, огриқдан хам, гамдан хам бунака чукур ох тортиш мумкин эмас. Бу нола факат кўркув гарк этган юракнинг туб-тубидан чикиши мумкин эди. Мен биламан-да буни. Хар гал соат ўн иккига бонг урганда, менинг хам даҳшат тўла калбимдан ана шундай гайритабиий ун отилиб чикарди. Шу боис хозир чолнинг ахволини тушуниб, унга хатто раҳмим хам келди. У кўзларини юммасдан тўшакка ёнбошлаган пайтида хам бу кўркув уни тарк этмаганди. У ўзини хеч нарса бўлмаганига ишонтиргиси келар, лекин бунинг уддасидан чика олмасди. У гўё шунчаки, камин мўрконида шамол ўйнаяпти, сичконлар уёқдан-бу ёкка югуряпти, дея ўзини чалгитишга уринарди. Бирок буларнинг хеч бири наф бермаётгани аник эди. Чунки, кора зулмат чодрасига ўралиб келган ажал аллакачон ўз курбони узра кўланкасини ташлаб улгурганди.

Мен уни узок кузатиб турдим, хеч нарса эшитилмасди. Шунда мен фонарни ёкиб жудаям кичкина нур толасини эҳтиёткорлик билан унинг кушникига ўхшаш кўзларга тўгриладим.

У мудхиш кўкимтирик кўзларини катта-катта очиб ўргимчак тўридек ингичка нур толасига тикиларкан, корачикларида газабга ўхшаш аломат кўрдим. Унинг мени асабимга мислсиз азоб берадиган нигохларига кўзим тушиши билан миямнинг суякларига кадар музлаб кетдим: айни пайтда мен чолни хам, унинг даҳшатга беланганд юзини хам кўролмасдим, чунки шуълани унинг малъун кўзларига ўнглаб турардим холос.

Шу чок кулогимга алланечук тушунксиз, худди пахтага ўралган соатнинг чикиллашига ўхшаган товуш ўқтин-ўқтин чалина бошлади. Бу оханг менга таниш эди. Чолнинг юраги шундай тепарди. Бу овоз уруш ногораси аскарни жунбушга келтиргани каби менинг хам жазавамни кўзгади.

Бирок мен ўзимни тутганча яшириниб турдим. Деярли нафас олмасдим, кандай килиб бўлмасин нурни чолнинг кўзидан силжитмасликка харакат килардим. Бу пайтда эса унинг лаънати юраги борган сари каттикрок ура бошлади. Кария бемисл вахима измида эди. Юрак таблининг такатуми эса тобора баландлаб борарди. Айтдим-ку сизга, асабим жуда чаток. Сокин туннинг ўлик сукунатини тилкалаётган бу ёввойи сас мени канчалик нокулай ахволга солиб кўйганини тасаввур кила оласизми? Шундай бўлса-да, бир неча дакика мен ўзимни харакатсиз тутиб туришга куч топа олдим. Юрак талотуми кучаяверди. Унинг юраги ортикча бардош беролмайди, деб ўйловдим.

Шу чок яна бир ўткир ўй миямни тилиб ўтди: кўшни эшитса-я? Чолнинг куни битганди. Кулокни коматга келтириб кичкирганча, фонарни бор бўйича очиб, хонага отилиб кирдим. Чол эса, бир марта, факат бир марта гина инграй олди, холос. Мен уни судраб пол устидаги калин тўшак устига олиб келиб ёткиздим. Ўзимча, мамнун илжайиб кўйдим. Хаммаси рисоладагидек кетаётганди. Дақикалар ортидан дақикалар ўтиб борар, унинг юраги заифгина уриб турарди. Бу овоз энди деворнинг нариги томонига эшитилмасди. Нихоят тўхтади. Чол ўлди. Мен унинг устидаги кўрпани очиб жасадни кўздан кечирдим: чол хакикатан хам ўлиб ётарди. Кўлимни узок вакт кўксига кўйиб турдим — юрак урмасди. Унинг манфур кўзлари энди мени хеч качон безовта килмайди.

Агар сиз мени халиям жинни деб уйлаётган бўлсангиз, ўликни кандай килиб саранжомлаганимини эшитсангиз, бу фикрингиздан тамоман воз кечасиз. Тун ярмидан

окканди, мен эса фурратни бой бермай, эхтиёткорона ишга киришдим. Уч дона пол тахтасини кўчириб олдим-да, жasadни полнинг тагига жойладим. Кейин эса, яна аввалгидек тахталарни жой-жойига михлаб кўйдим. Хеч ким оддий кўз билан хеч нарсани пайтай олмасди.

Соат тонгги тўртга якинлашиб колган бўлса-да, хали кечасига ўхшарди. Кўнгирок тўртинчи бор жом чалганида, кўча эшиги такиллади. Хеч нарса бўлмагандек, бориб эшикни очдим, нимадан кўркаман. Уч нафар полиция ходими ўзини таништириб ичкарига киришди. Кўшним ярим кечаси бизнинг хонамиздан ажабтовур кичкирикни эшитиб, кандайдир нохушлик юз берганлигини гумон килган ва полиция участкасига хабар берган экан.

Мен мийигимда кулимсирадим. Нимага кўркар эканман? Полициячиларга кечаси ёмон туш кўрсам дод солиш одатим борлигини айтдим. Чол хозирча дам олиш учун кишлокка кетганини тушунтирдим. Хоналарни кўрсатдим. Мана, истаган ерингизни каранг, кўринг, дедим. Кейин уларни чолнинг хонасига олиб кирдим, бойликларини кўрсатдим. Мана, хаммаси бус-бутунича турибди. Хатто, уларни хушмуомалик билан стулга ўтиришга даъват этдим. Чарчаб кетган-да, бечоралар. Мен ўзимни мутлако голиб санардим. Ўзим ўтирган стул боягина сугурилиб кайта михланган тахталар устига кўйилганди.

Улар мендан мамнун эдилар. Ўзимни жуда бемалол ва хотиржам тутаётгандим. Хар бир саволга хазил-хузул билан жавоб кайтардим. Шунда улар ўзаро гаплаша кетишиди. Бирок кўп ўтмай рангим окара бошлаганини, кутилмаган меҳмонларнинг тезрок кетишини истаётганимни сездим. Бошим оғриб, кулогим остида кандайдир овоз шангиллай бошлади. Улар хали-вери турай дейишмасди. Бояги товуш бўлса кулогим тагида тобора аникрок ва каттикрок эшитила бошлади.

Бундан ўзимни бироз йўкотиб кўйдим, бирок нутким халиям равон эди. Овоз эса кучайиб келаверди, нима килишим керак? Товуш жуда якиндан, ўқтин-ўқтин, худди пахтага ўралган соатнинг чикиллаши каби эшитиларди. Мен бу овоздан бўғилиб кетдим. Полициячилар бўлса буни эшита олишмасди.

Бетокат бўлиб кетдим, ўрнимдан сапчиб турдим-да, нималарнидир ўзимча гўлдирай бошладим — овоз кучаяверди. Анавилар нега кетмаяпти? У ёқдан-бу ёкка безовталаниб бориб келавердим. Меҳмонлар мени хавотирга солиб кўйишганди. Овозинг ўчгур овоз эса, варанглаб бораётир. Э Худо! Нима килишим керак? Аъзои баданимни тер босди, ўз-ўзимча сўкина бошладим. Менинг курбоним кўним топган пол устида турган стулни асабий айлантираман, уёк-буёкка силжитиб, гўёки, шу билан лаънати товушни тинчитмокчи бўламан — у эса баттар авжига минади. Баландлаб бораверди, бораверди, бораверди... Меҳмонлар эса, хеч гап бўлмагандек ўзларича гурунглашиб ўтиравердилар. Нахотки, уларга эшитилмаяпти? Йўк, йўк, о, парвардигори олам! Улар эшитишган, билишади, шунчаки, менинг кўркаётганимни кўриб, калака килишяпти. Менга ўша пайти шундай туюлганди, халиям шундай туюлади. Нима бўлса, бўлди — шу азобдан кутулсам бас. Уларнинг масхараомуз тиржайишига ортикча токат килолмайман. Бу кинояли табассумларга бошка чидолмайман. Агар хозир кичкириб юбормасам, аник ўламан. Ўх лаънати овоз, кулогимни тешиб юборади хозир.

— Вахшийлар, — дея бакирдим ўзимни тутолмай, — бўлди, бас, етар!!! Тан оламан, мен ўлдирдим уни, мен! Мана, тахталарни кўчириб олинг! Ха, худди шу ерда. Унинг юраги тинимсиз уряпти, унинг юраги мени тинч кўймаяпти!!!

*Рус тилидан Рустам Жабборов таржимаси*